

## АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА РЕЗЕРВ КАПИТАЛИ ХИСОБИНИНГ МАҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

*M. A. Абдуганиев*

ТДИУ «Молия ва бухгалтерия хисоби» Талабаси

**Аннотация.** Ушбу мақолада акциядорлик жамиятларида резерв капитали ҳисобининг ташкил этишининг назарий жиҳатларининг моҳияти ва аҳамияти ёритиб берилган. Резерв капитали ҳисобини такомиллаштириш бўйича муаллиф томонидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

**Калит сўзлар:** капитал, резерв, узоқ муддатли активлар, фойда, зарап, харажат.

### Кириш.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида мавжуд моддий, молиявий ва бошқа ресурслардан оқилона ва самарали фойдаланиш лозим. Рақобатга бардош бериш – бу ривожланишнинг муҳим омилларидан саналади. Айниқса, мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналарда хусусий капитал микдорини кўрайтириш ҳамда ундан самарали фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади.

Иқтисодиётнинг барча реал сектори тармоқларида акционерлик компаниялари кўринишидаги мулкчилик шаклини амал қилишида улардаги ишлаб чиқариш даражасини ўсишни таъминловчи механизмлардан бири бўлган хусусий капитал ҳисобини мунтазам такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Акциядорлик жамиятларида резерв капитали-киритилган капиталнинг қўйидаги операцияларнинг натижаси бўлиб ҳисбланади: компанияга совға қилинган активлар ва компания капитали тузилишининг ўзгариши натижасида пайдо бўлган капитал.

Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида ҳар бир акциядорлик жамиятлари ўзининг молиявий ресурс (маблағ)ларини ташкил қилиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Бу маблағларнинг манбаи эса фойда, амортизация ажратмаси, қимматбаҳо қоғозларни сотишдан тушган маблағлар, акция эгаларининг бадали ва таъсисчиларнинг улушлари, кредитлар, қарзлар, ажратилган грантлар, мақсадли молиялаштириш маблағлари ва шунга ўхшаш ўйналишдаги маблағлардир.

### Таҳлил ва натижалар

Акциядорлик жамиятларинин хусусий капитали қонунга мувофиқ ёки таъсис ҳужжатлари асосида яратилган жамғармалар ва резервлар қўшилган ҳолда, уларнинг ҳаракати ва ҳолати ўрганилади ва назорат қилинади.

Дарҳақиқат, хусусий капитал хўжалик юритувчи субъектнинг активи ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқни ўзида мужассамлаштиради. Ўз навбатида хусусий капитал 2 гурухга (категорияга) бўлинади – қўйилган (инвестиция) капитал ва тақсимланмаган фойда.

Хусусий капитал, ишлаб чиқариш ва мулк эгасига тўлаш, қўшимча инвестиция ва бошқа фаолиятларнинг натижаларига боғлиқ ҳолда кўпайиши ёки камайиши мумкин.

2023: International Conference on Agriculture Sciences, Environment,  
Urban and Rural Development (Morocco)  
<https://www.conferenceseries.info/index.php/morocco>

Ушбу мулк, жамғармалар, фойда ва резервларнинг ҳисоби қуйидаги:

8500-«Резерв капитали»ни ҳисобга олувчи счёtlар

8900-«Келгуси харажатлар ва тўловларнинг резерви»ни ҳисобга олувчи счёtlарда юритилади.

Давлат корхоналарининг резерв капитали давлатнинг бюджети томонидан корхонанинг фойдаланилишига топширилган вақтда ажратилган маблағларнинг йифиндисидир.

Акцидорлик жамиятлари капиталининг ҳажми унинг уставида кўrsatилган бўлади. Устав капиталининг кўпайиши ёки камайиши акциянинг номинал қийматининг бозордаги талаб ва таклифнинг таъсирида ошиши ёки камайишига боғлиқ.

Акцидорлик жамиятларида резерв капитали устав капиталининг 15% фаизидан кам бўлмаган миқдорида шаллантирилади.

Акцидорлик жамиятлари томонидан чиқарилган акциялар нақд пулга, пул ўtkазиш йўли билан, мулкка, яъни узоқ ва қисқа муддатли активлар ҳисобига ҳам сотилиши мумкин.

Субъектнинг таъсис ҳужжатларига асосан, фойда ҳисобидан ҳосил қилинган резервлари, активларни қайта баҳолашдан юзага келадиган инфляция резервларини яратиш заруриятини келтириб чиқаради.

Мавжуд бўлган ҳаракатдаги резерв капиталининг ҳисоби қуйидаги счёtlарда олиб борилади:

8510-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар»

8520-«Резерв капитали»

8230-«Текинга олинган мулклар» счёtlари.

Резерв капиталининг ҳисоби счёtlари бўйича аналитик ҳисоб шундай шаклда ташкиллаштирилади, тики у маблағларнинг ишлатилиши ва йўналиши бўйича маълумотларни йифишига хизмат қилсин.

8510-«Активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида активларни қайta баҳолаш натижасида аниқланган қиймати ҳисобга олинади. Резерв капиталининг тузатилиши ва тўлдирилиши активларни қайta баҳолаш натижасида ҳосил бўлса 8510-«Активларни қайta баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг кредити бўйича активларнинг қийматини қайta баҳолаш натижасида ўsgan суммасига тегишли активларни ҳисобга олувчи счёtlар корреспонденцияланади.

Агар қайta баҳолаш натижасида активларнинг қиймати пасайса, унда ҳозирча пасайган қийматнинг ўрни ўша активнинг аввалги ўsgan қиймати ҳисобига тўлдирилади, ушбу муомала 8510-«Узоқ муддатли активларни қайta баҳолаш бўйича тузатишлар» счётининг дебетида акс эттирилади. Арzonлаштирилган сумма, шу активнинг аввалги қайta баҳолашдаги қиймати ўсишининг оширилгани харажат сифатида тан олинади ва 9430-«Бошқа операцион харажатлар» счётида акс эттирилади.

8510-«Узоқ муддатли активларни қайta баҳолаш бўйича тузатишлар» счёti бўйича қолдик баланснинг «Резерв капитали» моддасида акс эттирилади.

Ушбу счёtnинг дебети бўйича ёзувлар қуйидаги холларда юз бериши мумкин:

➤ 8510-«Узоқ муддатли активларни қайta баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган, қайta баҳолаш натижасида аниқланган мулкнинг пасайган қийматининг

## 2023: International Conference on Agriculture Sciences, Environment, Urban and Rural Development (Morocco)

<https://www.conferenceseries.info/index.php/morocco>

суммасига маблағлар камайтирилганда, пасайган қиймати аниқланган мулкларни ҳисобга олувчи счёtlар билан корреспонденцияланади.

- 8510-«Узок муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар» счётида ҳисобга олинган, қайта баҳолаш натижасида аниқланган инвестициянинг пасайган қийматининг суммасига маблағлар камайтирилганда, пасайган қиймати аниқланган инвестицияларни ҳисобга олувчи счёtlар билан корреспонденцияланади.
- Субъектни тугатиш натижасида таъсисчиларнинг орасида суммалар тақсимланганда 6620-«Чиқиб кетаётган таъсисчиларга уларнинг улушлари бўйича қарзлар» счёti билан корреспонденцияланади ва хоказо.

8520-«Резерв капитали» счёti амалдаги Ўзбекистон Республикаси қонунларида кўзда тутилган тартибга асосан ташкил қилинган акциядорлар жамияти, қушма корхоналар ва бошқа хўжалик юритувчи субъектларнинг ва таъсис хужжатларига мувофиқ бундан ташқари акциядорлар жамиятининг мулкини кўпайтирадиган бошқа тушумлар ҳисобига мавжуд бўлган ва харакатдаги резерв капитали тўғрисидаги маълумотларни умумлаштириш учун мулжалланган.

### **Хулоса**

Шу боисдан, ушбу масалалар айниқса акциядорлик жамиятларида резерв капиталининг маблағлари қандайдир оддий бўлмаган муомалалардан кутилаётган сарф-харажатларни, қарзларни ва бошқа мақсадлар учун қилинган сарфларнинг ҳисобдан чиқарилиш ва қайтарилиш эҳтимоли бўлмаган бошқа мақсадлардан келган умумий баланс заарларини қоплаш резервларини яратиш учун фойдаланилиши мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги Қонуни. (янги таҳрири) 14.04.2016.
2. Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари тўплами. –Т.: Адолат, 2011.
3. Хасанов Б.А, Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. Дарслик // –Т.: Янги нашр, 2011.; Каримов А.А. Корпоратив бошқарув тизимида бухгалтерия ҳисоби ва аудитини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари// Дис....иқт.фан.д-ри.БМА.Т.2009.
4. Ибрагимов А., Очилов И., Кўзиев И., Ризаев Н., Молиявий ва бошқарув ҳисоби: ўқув қўлланма. -Т.: “ИҚТИСОД-МОЛИЯ”, 2008 46.
5. Хасанов Б.А., Хашимов А.А. Бошқарув ҳисоби. –Т.: Янги нашр, 2011. 311б-246.
6. Холбеков Р.О. Бухгалтерия ҳисоби назарияси. –Т.: Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. –198 б.
7. Usmanovich, B. A. (2021). WAYS TO IMPROVE THE FINANCIAL RESULTS OF ENTERPRISES. In Interdisciplinary Conference of Young Scholars in Social Sciences (USA) (pp. 176-178).
8. Nizomiddinov, J. Z. O., & Burkhanov, A. U. (2022). IMPROVING METHODS FOR ASSESSING THE COMPETITIVENESS OF TRADE ENTERPRISES. In АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ НАУКИ 2022 (pp. 42-44).

**2023: International Conference on Agriculture Sciences, Environment,  
Urban and Rural Development (Morocco)**

---

<https://www.conferenceseries.info/index.php/morocco>

9. Nizomiddinov, J. Z. (2022). MUQIMIYNING “SAYOHATNOMA” SIDA DAVR, MUHIT, VOQELIK TASVIRI. Ученый XXI века, (3 (84)), 15-21.
10. Nizomiddinov, J. Z. (2022). MUHAMMAD AMINKHOJA MUKIMI ENLIGHTENER OF THE NATIONAL AWAKENING. Вестник магистратуры, (3-2 (126)), 121-122.
11. Zuxriddin o‘g‘li, N. J. (2022). КОРХОНАЛАР РЕНТАБЕЛЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ. BARQARORLIK VA YETAKCHI TADQIQOTLAR ONLAYN ILMIY JURNALI, 212-215.
12. Zukhriddin o‘g‘li, N. J. (2022). MUQIMIYNING IJODIY MEROSI. TA'LIM VA RIVOJLANISH TAHLILI ONLAYN ILMIY JURNALI, 2(3), 82-85.
13. Zukhriddinoglu, N. J. (2022). Methods for Assessing the Competitiveness of an Enterprise in a Transforming Economy. Central Asian Journal of Literature, Philosophy and Culture, 3(3), 50-52.
14. Zukhriddinoglu, N. J. (2022). Management of the Competitiveness of Enterprises, Taking into Account the Preparation of Production. EUROPEAN JOURNAL OF INNOVATION IN NONFORMAL EDUCATION, 2(3), 250-254.
15. Zukhriddinoglu, N. J. (2022). Theoretical Foundations of the Concept of the Company's Competitiveness. International Journal on Orange Technologies, 4(3), 86-90.